

ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ  
ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ  
А Ж Р И М И

2022 йил 1 февраль куни Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси, суд биносида, очиқ суд мажлисида,

раислик қилувчи судья Д.Ражабов,

ҳайъат судьялари: М.Юсупов ва Ғ.Амоновдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси М.Турсунованинг котиблигида, Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори Х.Назаров, судланувчи Б.Саидов ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи адвокат Ш.Каландарованинг иштирокида, Б.Саидовга оид жиноят ишини судланган Б.Саидов томонидан келтирилган шикоятга асосан апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 2022 йил 7 январь кунги ҳукмига кўра,

Саидов Бахтиёр Мелиевич (Saidov Baxtiyor Meliyevich), 1976 йил 27 январда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, бир нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланган, муқаддам:

1. Шайхонтоҳур туман судининг 1996 йил 29 августдаги ҳукмига кўра, ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топилиб, амнистия актига асосан жазодан озод қилинган;
2. Олмазор (С.Раҳимов) туман судининг 1997 йил 26 мартдаги ҳукмига кўра, ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан 1 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган;
3. Чилонзор туман судининг 1999 йил 1 декабрдаги ҳукмига кўра, ЖК 166-моддаси 3-қисмининг “в” банди билан 7 йилга озодликдан маҳрум қилинган, Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2019 йил 13 февралдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгартирилиб, ЖК 166-моддаси 3-қисмининг “в” бандидан ЖК 25,166-моддаси 2-қисмининг “б” бандига қайта квалификация қилиниб, 3 йил 8 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган ва 2001 йил 22 августидаги Амнистия актига асосан жазони ўташдан озод қилинган;
4. жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман судининг 2002 йил 16 январдаги ҳукмига кўра, ЖК 277-моддаси 2-қисмининг “б,в” бандлари билан 2 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган;



5. жиноят ишлари бўйича Олмазор (С.Раҳимов) туман судининг 2003 йил 12 майдаги ҳукмига кўра, ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан ЖКнинг 60-моддаси тартибида 4 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган;
6. жиноят ишлари бўйича Олмазор (С.Раҳимов) туман судининг 2006 йил 4 октябрдаги ҳукмига кўра, ЖК 97-моддасининг 1-қисми билан ЖКнинг 60-моддаси тартибида 12 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган;
7. жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг 2016 йил 1 ноябрдаги ҳукмига кўра ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “в” банди, 25,169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 59,60,61-моддалари тартибида 5 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, ЖКнинг 34-моддасига асосан ўта хавфли рецидивист деб топилган, Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2019 йил 13 февралдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгартирилиб, ўта хавфли рецидивист деб топиш қисми бекор қилинган, жиноят ишлари бўйича Чирчиқ шаҳар судининг 2019 йил 23 майдаги ажрими билан ЖКнинг 74-моддасига асосан жазонинг ўталмаган 2 йил 5 ой 24 кун, шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 2021 йил 17 февралдаги ажрими билан ЖКнинг 73-моддасига асосан жазонинг ўталмаган 9 ой 26 кунидан муддатидан илгари шартли озод қилинган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, И.Шоший кўчаси, 2-берк кўчаси, 15-уйда яшаган, иш бўйича 2021 йил 29 июлдан қамоқда сақланаётган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖК 60,61-моддалари тартибида 5 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган ва ЖКнинг 34-моддасига мувофиқ ўта хавфли рецидивист деб топилган.

Суд ҳукмига кўра, Саидов Бахтиёр Мелиевич илгари ўғирлик жиноятини содир қилгани учун судланган бўлса-да, бундан ўзига тегишли хулоса чиқармай, хавфли рецидивист бўлгани ҳолда, 2021 йил 29 июль куни соат 17:30 лар атрофида бошқа шахс билан ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида олдиндан ўзаро тил бириктириб, Олмазор тумани, Гулсарой кўчасида жойлашган озиқ-овқат дўкони олдида турган “Labo” русумли, 01 716 CGA давлат рақамли автомашина ҳайдовчиси С.Халикулов автомашина ёнида турганлигидан ва автомашина эшиги қулфланмаганидан ҳамда жинойий шериги С.Халикуловни гапга солиб, чалғитиб турганидан фойдаланиб, Б.Саидов автомашина саломидаги ўриндиқлар оралиғида жойлашган бар ичидан, С.Халикуловга тегишли бўлган 1.128.000 сўм пулларни яширин равишда қўлга киритиб, воқеа жойидан яширинган.

Судланувчи Б.Саидов апелляция шикоятисида, оилавий шароитини оғирлигини, қарамоғида турмуш ўртоғи ва вояга етмаган фарзанди



борлигини билдириб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда тайинланган жазони енгиллаштиришни сўраган.

Апелляция инстанцияси суди, судья Ғ.Амоновнинг маърузасини, прокурор Х.Назаровнинг биринчи босқич судининг ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги хулосасини, судланувчи Б.Саидов ва унинг ҳимоячиси Ш.Қаландарованинг апелляция шикоятини қувватлаб берган фикрларини тинглаб, апелляция шикоятда келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари асосида текшириб, қуйидагиларга кўра суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

Апелляция инстанцияси суди, судланувчи Б.Саидовнинг жиноят содир этишдаги айби: унинг ўз айбига қисман иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, биринчи босқич судида сўроқ қилинган жабрланувчи С.Халикулов, гувоҳ А.Кукеновнинг кўрсатувлари; жабрланувчининг аризаси; нарсани олиш баённомаси; ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган суратлар; нарсани кўздан кечириш баённомаси; кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси ва унга илова қилинган суратлар; юзлаштириш баённомаси; воқеа акс этган видео тасвирлар ҳамда жиноят ишидаги бошқа объектив далиллар мажмуи билан тўлиқ ўз исботини топган деб ҳисоблайди.

Биринчи босқич суди, Саидов Бахтиёр Мелиевичнинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилган.

Биринчи босқич суди, Б.Саидовга жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида белгиланган, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги тўғрисидаги қоидага, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қароридаги тушунтиришларга амал қилиб, содир қилинган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, айбдорнинг шахсини, муқаддам содир қилган жинояти учун шартли жазони ўташ даврида қасддан янги жиноят содир қилганлигини инобатга олиб, унга нисбатан айбли деб топилган модда санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазосини ЖКнинг 60, 61-моддалари тартибида тайинлаб, ЖКнинг 34-моддасига мувофиқ ўта хавфли рецидивист деб топган ҳолда тўғри хулосага келган.

Юқоридагиларга кўра, апелляция инстанция суди биринчи босқич судининг ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, ҳукми ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497<sup>13</sup>, 497<sup>17</sup>, 497<sup>25</sup>, 497<sup>26</sup>, 497<sup>31</sup>-моддаларига риоя қилиб, апелляция инстанцияси суди

А Ж Р И М Қ И Л Д И:



Жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 2022 йил 7 январдаги Саидов Бахтиёр Мелиевичга нисбатан ҳукми ўзгаришсиз, апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи судья: /имзо/ Д.Ражабов

Ҳайъат аъзолари: /имзо/ М.Юсупов

/имзо/ Ғ.Амонов

Нусхаси аслига тўғри:

**Маърузачи: Амонов Ғафур Баҳодирович**

